

## Фитначиларнинг жирканч жиноятлари



12:00 / 09.11.2024 2281

Кўзғалончилар Мадинага қайтиб келиб, ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳовлиларини қамал қилишганида, у киши Мадинаи мунавварани ҳимоя қилиш учун лашкар юборишни талаб қилиб, волийларга одам юбордилар. Шунда Мадинадаги низом бузилди, Усмон розияллоҳу анҳу саҳобалардан уруш қилмасликни маҳкам туриб талаб қилдилар. Бу билан ўзларининг сабабидан ёмон ҳодиса бўлмаслигини ихтиёр қилган эдилар. Мададлар етиб келишига оз қолгани тўғрисида хабар келди.

Кўзғалончилар кўрқиб, девордан ошиб тушиб, ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳовлиларига киришди. Ўша пайтда у зот Аллоҳ таолонинг **«Кишилар уларга: «Одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан кўрқинглар», деганда бу уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли, У қандай яхши вакил!»** дедилар» оятини қироат қилиб ўтирар эдилар (Оли Имрон сураси, 173-оят).

У киши уларга эътибор ҳам бермасдан тиловат қилавердилар. Фитначилар ўзларининг жирканч жинойтларига қўл уришганида ҳам ҳеч қаршилиқ қилмай, Аллоҳнинг Китобини ўқийвердилар. Фақат хиёнат қиличининг бир зарбаси қўлларини кесганида: «Аллоҳга қасамки, бу қўл Қуръон оятларини биринчи бўлиб ёзган қўл эди», дедилар, холос. Қон отилиб, мусҳаф саҳифаларига тушаётганини кўриб, дарҳол қўлларини ўзларига тортиб олдилар.

Аллома Ибн Касир «Ал-бидоя ван-ниҳоя»да Ислом ва мусулмонларнинг бу улкан фожиаси қандай содир бўлганини қуйидагича ёзадилар:

«Ғофиқий ибн Ҳарб у кишига ҳамла қилиб, темир (қилич) ила урди ва ўқиб ўтирган мусҳафларини тепиб юборди. У кишининг қонлари мусҳафнинг устига тўкилди. Савдон ибн Ҳумрон қиличини кўтариб, ҳамла қилиб келган эди, халифанинг хотини йўлини тўсди. У аёлнинг панжаларини кесиб юборди. Жинойтчилар ҳазрати Усмонни ўлдиришганидан кейин бошини кесмоқчи бўлишган эди, қизлари ва хотинлари Ноила ва Уммул Банийнлар тўсиб қолишди. Фитначилардан бири: «Биз учун унинг моли ҳам худди қони каби ҳалолдир!» деб қичқирди. У кишининг уйларини талон қилиб, кейин Байтулмолга қараб юришди. Қоровуллар билан жанг қилиб, уни ҳам талашди. Бу иш ҳижрий 35 йил 18 зулҳижжа, жума куни содир бўлди».

У кишининг халифаликлари ўн икки йилу ўн саккиз кун давом этди.

**«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.